

# O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOYIY GAZETASI □ 2000 YIL 18 NOYABR SHANBA № 135 (26.685)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИТАЛИЯ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Италия Республикаси Президенти Карло Адзелио Чампининг 20-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан мазкур мамлакатда бўлади.


Бўлажак ташриф давомида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқбол ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинади. Шунингдек, ташриф чоғида икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.



## МАРҒИНОНИЙ ИЛМИДАН НУР СОЧИЛДИ ҲАР ТАРАФ, МОТУРИДИЙ КАЛОМИДАН КЎНГЛИМИЗДАДИР ШАРАФ



16 НОЯБРЬ КУНИ ФАРҒОНАДА, 17 НОЯБРДА САМАРҚАНДА ЮБИЛЕЙ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ



### ҲИДОЯТ ЙЎЛИНИНГ САРБОНИ

Фаргона водийсининг марвариди саналмиш Марғилон шаҳри аҳли ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намоядаси, шайхулислон Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг хижрий сана бўйича 910 йиллик таваллуд тўйига ташриф буюрган меҳмонларни илҳ қўлиб олди.

Юртбошимиз 1999 йил 18 декабрда Фаргона вилояти сайловчиларининг вакиллари билан учрашувда Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг таваллуд тўйини кенг нишонлаш, хотирасини тиклаш зарурлиги ҳақида гапирган эди. Қисқа вақт ичида аллома тўғилган дийр — Риштонда «Соҳиб» Ҳидоят» қабристонини бутунлай қайта тасмирланди. Аллома хотирасига муносиб ёдгорлик тикланди. Бошқа қўлиб олдириш ишлари амалга оширилди.

Шу кунги мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов буюк аллома хотирасига ўз эътиромини баҳо этиш ва юбилейга бағишланган тантананида қатнашиш учун Марғилон шаҳрига ташриф буюрди. Истиқлол шарофати билан яна ўз Ватанига қайтган, муборак номи қайта тикланган ва юксак ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган буюк аллома хотирасига шаҳар марказида бунёд этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими олдидан элга ош тортиди. Буюк фақиҳ хотирасига Қуръон тиловат этилди.

### КАЛОМ ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Кунги кеча бутун халқимиз буюк бобоқалонимиз Бурҳониддин Марғинонийнинг таваллуд айёмини ўтказиб, ислом ҳуқуқшунослигининг улкан намоядасига ҳурмат-эҳтиром бажо келтирган эди.

17 ноябрь кунги Самарқанд шаҳрида муқаддас динимизни асраб-авайлашга беназир ҳисса қўшган яна бир улуг сиймо — Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги бутун республикамиз жамоатчилиги вакиллари, узоқ-яқиндаги хорижий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида кенг нишонланди.

Имом ал-Мотуридий ислом оламида калом илмининг султони сифатида довуқ қозongan. Аллома исломнинг покчилиги раҳна солувчи турли оқимлар урчиган мураккаб бир даврда яшайди. У зотнинг бутун ҳаётини муқаддас динимизнинг асл моҳиятини сақлаб қолиш, кишиларга ҳидоят йўлини кўрсатишга бағишлади. «Китоб ул-таҳид», «Китоб ул-таъвилот» каби асарларида кишиларнинг Ҳақ йўлидан оғишмаслиги учун зарур бўлган қарашларни илмий ва фалсафий далиллаб, дини исломда мотуридий таълимотига асос солди. Замондошлари орасида «Султонул музими» (иззатли султон) деган шарафли мартабага сазовор бўлди. Утган йилнинг декабрида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Вазирилар Маҳкамасининг Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинганидан буён бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, асримизнинг эллик йилларида мустабид тузум вакиллари томонидан бўзиб ташланиб, обёкоти қилинган Чокардиза қабристонини ўрнида алломанинг абадий макони аниқланиб, улугвор мақбара ва обод зияратгоҳ бунёд этилди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БАЙРОҒИ КАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИГА 9 ЙИЛ ТЎЛДИ



Байроғимизда экс этган оу ва юлдузлар, зангори, оқ, яшил ранглар қанадай маънони англатади? Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Ватан тимсоллари — муқаддас» мавзудаги ўтказилган анжуман иштирокчилари шулар ҳақида фикр юртмадилар.

## ФЙДАЛИ МУЛОҚОТ

2000 йил 17 ноябрь кунги Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида, Германия Федератив Республикаси Бундестаги бошқарувининг собиқ директори Рудольф Кабель ва Конрад Аденаур номидаги Фонднинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Вольфганг Шрайбер, уларнинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БУРҲОНИДДИН МАРҒИНОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 910 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ассалому алайкум, қадри ва тандошлар!

Узоқ-яқиндан келган муҳтарам меҳмонлар! Авваламбор, сиз, азизлар билан қадимий ва гўзал Марғилон заминидан, муборак рамазон арафасида кўришиб турганимдан гоё бахтиёр эканимиз изҳор этмоқчиман. Қадри дўстлар!

Утган ота-боболаримизни эслаш, уларнинг руҳи покларини шод этиш халқимизга хос эзгу ғазилат, хайрли ва савоб ишдир. Бугун биз кўп-кўп мумтоз зотларнинг она шаҳри бўлган, не-не авлиё, аллому фозиллар қадами теккан кўна Марғилонда башариёт маънавий тараққиётга бекбас хисса қўшган буюк фақиҳ Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг табаррук хотирасини ёд этиб, ул зоти шарифга бўлган фарзандлик ҳурмат-эҳтиромини бажо келтириш учун тўлқандим.

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИМОМ МОТУРИДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1130 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар! Бугунги маъража Самарқанд заминидан, мана шу муборак кунда сиз, азиз юртдошларимизни, узоқ-яқиндан келган меҳмонларни яна бир бор чин қалбимдан самимий кутлаб, барангизга ўз ҳурматиимиз билдириб, бағоят мамун бўлганимни изҳор этмоқчиман. Қадри дўстлар!

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, агар биз ислом тарихига назар ташласак, бу илоҳий динни англаш, уни тушуниш, тушунтириш, тарғиб қилиш ва покчилигини сақлаш борасида асрлар мобайнида кўп-кўп баҳс-мунозара ва тортишувлар, ҳатто жангу жадаллар ҳам бўлиб ўтганини кўрамиз.

## ЖИНОЯТГА ЯРАША АДОЛАТЛИ ЖАЗО

Ўзбекистон Республикаси Олий судида террорчилик, қотиллик, мамлакатимиз Президентини ва Конституциясига таъжовуз қилиш ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган 12 нафар шахс устидан ўтказилган суд жарёни якунланди.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 2-бетда)

■ (ЎЗА)



Dushanba 20

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 Лирик тароналар
9.15 «Ўзбектеlevision»

«Мультишоша»
10.40 «Саломатлик сирлари»
11.00 «Давр». Хафта ичида
11.40 «Рей Брэдбери театри»

шур ва бадавлат одамлари
23.25 Охонлар ва ёнлонлар
23.30 Киноингоҳ «Сақоқчи воқеаси»

Chorshanba 22

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи

19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эрталаки
20.15 «Дунёқараи»
20.30 «Ахборот»

«Майсаранинг иши» Бадий фильм. 1-қисм
15.35 «Ешлар овози»
15.55 «Таянч»
16.10 «Stil-NO»

1.20-1.25 «Хайрли тун»
7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури
7.55 «Экспресс» телегазетаси
8.05 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар»

22.15 «Мухаббат тарихи»
Сериал
23.10 Киномагистр
23.10 «Дунёқараи»

Shanba 25

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Ахборот»
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 Лирик тароналар

12.15 «Аёл қабри наволари»
12.30 «Чолиқуши». Телесериал
13.10 Ўзбекистон аълоли айтилари

00.35-00.40 «Хайрли тун, ширин!»
9.00 Кўрсатувлар тартиби
9.05 «СНН-шоу»
9.20 «Инглиз тили Сиз учун»

Seshanba 21

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи

12.00 «Ешлар» телеканалда спорт: Футбол. Хафтанинг энг ақлики ўйини
13.30 «Чолиқуши». Телесериал
14.30 «Дилбарим»

9.00 Дастурнинг очилиши
9.05 «Телехамкор»
9.05 «Телехамкор»

Juma 24

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи

18.10 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси»
18.30 «Ихтилол»
18.50 «Муқаббат бекати»

«Майсаранинг иши» Бадий фильм. 2-қисм
15.40 «Мулҳис»
15.55 «Сеннинг вақтинг»

1.20-1.25 «Хайрли тун»
7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури
7.55 «Экспресс» телегазетаси
8.05 ТТВда сериал: «Машхур ва бадавлат одамлар»

20.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
21.00 «Время»
21.50 «Кино сэйраси»
22.05 «Мухаббат тарихи»

Yakshanba 28

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ-маркет
8.40 Марказий газеталар шарҳи

9.00 Кўрсатувлар тартиби
9.05 «Тонг» дастури
10.05 «Эрталакнинг сехри олами»

12.00 «Телехамкор»
12.30 «Чолиқуши». Телесериал
13.10 Ўзбекистон аълоли айтилари

Ут, сафро (бўйракаағи) ошқозон-ичак оғриқларига самарали дори
АСПАЛЬГИН
Бу дори кучли оғриқни босади
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ



Ут, сафро (бўйракаағи) ошқозон-ичак оғриқларига самарали дори
АСПАЛЬГИН
Бу дори кучли оғриқни босади
ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

ИНСОН ХОТИРАСИ — АЗИЗ

БОҚАМАН ДУНЁГА ДУНЁДАЙ

Саксонинчи йиллар ўзбек шеърятига ёниқ истеъдод билан бири ҳайқириб, яна бири сокингина, бошқиси маъносига, бирови эса бахшиёна ружда бир гуруҳ овозлар кириб келди.

Бу овозлар ўзбек шеърятига ҳеч кимга ўхшамаган, ўзига хос, ўзига мос овозлар эди. Шунинг учун ҳам адабиёт бағрини очиб, илиқ, энтиқиб кутиб олди уларни. Бу рангин овозлар ўзбекнинг урф-одатини, бутун суварат-сийратини, озодлиқни, эркин соғиниб, ёниқ куйлади.

Ватан «... асл Ватан бўлмоғи учун овози тошларни ёрар куйчилар...» Бу овоз Шавкат Раҳмоннинг овози эди. Шoir Шавкат Раҳмон ана шундай овоз соҳибларидан бири эди: Баҳор эрта келди ўрмон, боғларга, Дарахлар гуллади ёним дунёсига.

■ Турсун АЛИ

Шавкат РАҲМОН

ОРЗУ ТАСБЕҲИ

Ажойиб кунларнинг бирида уйғониб кетарман уйғудан, юракнинг энг чуқур ерида, оғриққа айланган туйғудан.

Бир қўшиқ бўламан дарёдай юракнинг энг чуқур ерида, боқаман дунёга дунёдай ажойиб кунларнинг бирида...

Ой гуллади, осмон тоқига юдузларни кимдир қоқди. Узапларда сокин тўлғаниб тагин қуюқ кунузу оқади.

Осмонларда ўтлаган булут подасини шамоллар ҳайдар. Суронлардан ҳориган дала ибтидоий жимликка қайтар.

Юрак сокин қарар атрофда, сундирмайди энди қафасини, фақат сезар поёнсизликда ўлаётган кузнинг нафасини.



Хувиллаган сариқ водийда қариган куз ётади беҳол — кўзларига осмонни жойлаб, ўлса булар энди бемалол.

Айт, эй хаста булбулим, Ушга қачон етамиз? Яшил боғлар саргарди, Мағиз бўди гузжумлар.

Оҳ, вoй, мунча йўл оғир, Булбулим... Улкал соат ўртасида Мадорим йўқ юрмаққа, Қашқарлар даврасида Судраламан турмоққа.

Шунда қолиб кетсам гар нетамиз? Абдиият оралаб Ушга қачон етамиз? Қорли тоғлар бағрида Бегим — Ушим кўринди, Султон — Ушим кўринди...




«СУРХАН АДЖАНТА ФАРМА ЛИМИТЕД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

қуйидаги дори-дармонларни сотувга чиқаради:



- «Апциллин-500», капсула, №10 (Амциллин 500 мг)
«Апциллин-250», капсула, №10 (Тетрациклин 250 мг)
«Апмицин-40», ампула, №10 (Гентамицин сульфат 40 мг/2мл)
«Апмицин-80», ампула, №10 (Гентамицин сульфат 80 мг/2мл)
«Апальгин-500», ампула, №10 (Анальгин 500 мг/1мл)
«Апламин-500», ампула, №10 (Витамин В12)
«Апальгин», таблетка, №10 (Спазмолитик восита)
«Тибинил Р-150», капсула, №10 (Рифампицин 150 мг)
«Тибинил Р-300», капсула, №10 (Рифампицин 300 мг)
«Тримол», таблетка, №10 (Анальгетик восита)



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 54. Маълумот учун телефонлар: (3712) 56-75-84, 56-75-89, 152-34-91.



СПОРТ

УМИД УЗИЛГАНДА

Эртага олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий футбол чемпионатининг якунловчи тур учрашувларини ўтказадилар. Биринчиликнинг 37-турида эса қўқонлик футболчиларнинг «қилиғи» чиқиб қолди. Улар ўйинлар жадвалининг сўнги погонасини эгаллаб турганликларидан ҳам бундан кейинги ўринлар мавқеини мустаҳкамлашга имкон бермаслигини англагандай учрашувга келмай қўя қолишди. Оқубатда «Зарафшон» жамоаси ҳисобиغا 3:0 ютуғи ёзилди. Ваҳоланки, ҳар бир жамоа, айниқса, олий лига ўзоси курашини сўнги учрашувгача давом эттириши керак. Олий лигадан умидини узган «Темирйўлчи» жамоаси балки эртага Самарқандда бўладиган якунловчи учрашувга ҳам келмас. Бу интизомсизликдан бошқа нарса эмас. Умуман, ўйинлар жадвалининг қуйи погонасини эгаллаб турган жамоалардан «Сўғдиёна», «Гулистон» футболчиларининг ҳам ахволи қийин. Назаримизда, сўнги турда

охириги учрашувни ўз майдонларида ўтказадиган «Турон» (37 очко), «Зарафшон» (36), «Хоразм» (33) жамоалари олий лигадаги ўринларини сақлаб қолишга астойдил интиладилар. Айни пайтда қайси жамоанинг чемпион бўлиши ҳам ҳамон мавҳум бўлиб турибди. Гап шундаки, 1-3 ўринни эгаллаган «Дўстлик», «Нефтичи», «Насаф» жамоалари мавқеаларини мустаҳкамламоқдалар. Балки, эртага бўладиган сўнги учрашувлар бу борадаги ўзига хос муаммога ойдинлик киритар. Фақат «Дўстлик» жамоасининг яна битта кечиктирилган ўйини борлигини унутмаслик лозим. Энди учрашувлар натижаси билан танишинг: «Самарқанд» — «Навбахор» — 2:0, «Қизилқум» — «Кимёгар» — 1:0, «Бухоро» — «Дўстлик» — 0:1, «Андижон» — «Семурғ» — 5:2, «Нефтичи» — «Пахтакор» — 3:1, «Сурхон» — «Гулистон» — 1:1, «Насаф» — «Сўғдиёна» — 3:0, «Турон» — «Трактор» — 2:1, «Хоразм» — «Металлург» — 2:1.

ТЕХАСЛИКЛАР КУЛАДИ

— Уамма мени қурмасоқ деб ўйлайди. Аслида ундай эмас. Мана, кеча Жонга 50 доллар бердим. — Нега? Бориб турган аҳмоқсан Боб, бекорка пул бердингми? Уша ширнага-я? — Йўқ, бекоркамас, ортимдан қувиб келимайтанди, мени беркатиб ҳаётимни сақлаб қолди-да ё бекор бердиммикин? — У индамай пулни олиб қолдингми? — Йўқ, 49 доллар қайтим қайтариб: «Калланни баҳоси иш», — деди.



■ Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм

Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халқ банки томонидан жорий этилган «Жамғарма» ютуқли омонати бўйича 2000 йил 16 ноябрда Тошкент шаҳрининг Сирғали туманида ўтказилган иккинчи ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халқ банкнинг барча туман (шаҳар) бўлимларида очилган омонатнинг қуйидаги ҳисоб рақамларига чиқди:

Table with 3 columns: т/р, Ютуқ чиққан ҳисоб рақами, Ютуқ миқдори (фоизда)

Table with 3 columns: т/р, Ютуқ чиққан ҳисоб рақами, Ютуқ миқдори (фоизда)

Ютуқлар тиражи ҳар 1000 та ҳисоб варақаси бўйича ўтказилди. 1000 дан зиёд ҳисоб варақалари очилган Халқ банкнинг туман (шаҳар) бўлимларида ҳар 1000 та ҳисоб варақаси бўйича ҳам худди шу тартибда ютуқлар чиқди. Масалан: ЖЮ - 663, ЖЮ - 1663, ЖЮ - 2663 ва ҳоказо.

Ютуқлар тиражи комиссияси раиси — Сирғали туман ҳокими ўринбосари Б. Х. ХОЛМЕТОВ

Масъул котиб — Халқ банки бошқаруви етакчи мутахассиси Х. Д. МАТҚУРБОНОВ

ФМТ-1

Subscription form for 'Ўзбекистон овози' newspaper, including fields for name, address, and payment details.

ФМТ-1

Subscription form for 'Ўзбекистон овози' newspaper, including fields for name, address, and payment details.

Advertisement for 'Ким? Қачон?' featuring a list of names and dates, likely related to a competition or award ceremony.

Advertisement for 'ОФРИК' (Ofrik) medicine, highlighting its effectiveness against various ailments.

Advertisement for 'Алаш Сервис' (Alash Service) company, offering tractor services and other agricultural equipment.

Vertical sidebar containing contact information for 'БОШ МУҲАРРИР' (Editor-in-Chief), 'МУАССИС' (Publisher), 'БЎЛИМЛАР' (Departments), 'ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ' (Regional Correspondents), and 'МАНЗИЛИМИЗ' (Address).